

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ПУЛАТОВ ЛАЗИЗЖОН АБДУХАМИДОВИЧ

**МИТРАЛ КЛАПАН ЕТИШМОВЧИЛИГИНИНГ ХИРУРГИК
КОРРЕКЦИЯСИ ВА ДИАГНОСТИКАСИНИ ЧАП ҚОРИНЧА
РЕМОДЕЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА
МУКАММАЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 - Юрак-қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Пулатов Лазизжон Абдухамидович

Митрал клапан етишмовчилигининг хирургик коррекцияси ва
диагностикасини чап қоринча ремоделланиш жараёнларини ҳисобга
олган ҳолда мукаммаллаштириш3

Пулатов Лазизжон Абдухамидович

Совершенствование диагностики и хирургической коррекции
митральной недостаточности с учетом процессов
ремоделирования левого желудочка21

Pulatov Lazizjon Abduxamidovich

Improving the diagnostics and surgical correction of mitral
insufficiency taking into account the processes of the left ventricle
remodeling39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ПУЛАТОВ ЛАЗИЗЖОН АБДУХАМИДОВИЧ

**МИТРАЛ КЛАПАН ЕТИШМОВЧИЛИГИНИНГ ХИРУРГИК
КОРРЕКЦИЯСИ ВА ДИАГНОСТИКАСИНИ ЧАП ҚОРИНЧА
РЕМОДЕЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА
МУКАММАЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 - Юрак-қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.1.PhD/Tib526 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алиев Шерзод Махмудович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Асамов Равшан Эркинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хикматов Азимжон Асатиллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон Давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «16» июль соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№107-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2020 йил «9» июль куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари шундан гувоҳлик берадики, «Юрак клапанлари орттирилган нуқсонлари умумий популяцияси 18-44 ёшдагиларда 2,5-7% ни ва 75 ёшдан ошганларда 13,3% ни ташкил этади»¹. Euro Heart Survey тадқиқотларида «митрал клапан етишмовчилиги (МК) бу аорта стенозидан кейин хирургик аралашувини талаб этувчи иккинчи энг кўп тарқалган клапан аномалияси (43,1% га нисбатан 31,5%) бўлиб ҳисобланади»². Вақт ўтиши билан митрал етишмовчилик (МЕ) сабабларининг структураси ўзгарди ва бугунги кунда МКнинг дегенератив шикастланиши Ғарбий Европа мамлакатларида катта ёшдагилардаги клапан дефектининг энг кенг тарқалган ва клиник жиҳатдан салмоқли кўринишидир. Сўнгги ўн йилликда МЕНИ хирургик усулда даволашда хирургик коррекциялашнинг энг кенг тарқалган тури сифатида протезлашнинг турли усуллари батафсил ишлаб чиқилган ва кундалик амалиётга кенг жорий қилинган. «МЕНИ хирургик коррекциясидан кейинги қоникарсиз натижаларнинг энг кўп учрайдиган сабаби бу юракни, биринчи навбатда, чап қоринчани (ЧҚ) патологик ремоделлашуви ва қисқариш функциясининг пасайиши билан боғлиқ. Бу кўп жиҳатдан амалиётдан кейинги эрта ва узок муддатдаги натижаларни аниқлайди»³. Шу муносабат билан, МЕ бор беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш ҳозирги кунда устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида ҳозирги кунда патологик жараённинг этиологиясига, миокард ишемиясининг давомийлиги ва оғирлигига қараб ЧҚ ни геометрик ремоделланиш хусусиятларини ўрганиш энг долзарб тадқиқотлардан бири бўлиб қолмоқда, бу эса МК фиброз халқаси дилатациясига олиб келувчи папилляр мушакларнинг дисфункцияси ва хордал аппаратда структуравий ўзгаришларга олиб келади. МЕда юракни ремоделланишининг барча даражаларида юрак патогенетик жараёнларини ўрганиш, натижада унинг ҳажми, шакли ва функционаллиги ўзгариши масалалари айниқса долзарб ҳисобланади. Нуқсоннинг оғирлиги ва давомийлигига, ҳар бир систола давомида регургитация бўлган ҳажмнинг сурункали равишда ҳаддан ташқари ошиши сабабли ЧҚнинг кенгайиш даражасига ва унинг эксцентрик гипертрофиясига боғлиқ бўлган МЕНИнг гемодинамик оқибатларини баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, қайсики бу ҳолатлар юрак фракциясининг пасайишига, марказий гемодинамиканинг бузилишига ва юрак етишмовчилигининг клиник намоён бўлишига олиб келади.

Айни пайтда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

¹Costa FD,AD., Colatusso DF,F., Martin GL,DS. et al. Long-Term Results of Mitral Valve Repair. Braz J Cardiovasc Surg. 2018 Jan-Feb;33(1):23-31.

²Colli A., Manzan E., Aidietis A. et al. An early European experience with transapical off-pump mitral valve repair with NeoChord implantation. Eur J Cardiothorac Surg. 2018;54(3):460-466.

³Le Tourneau T., Mérot J., Rimbert A., Le Scouarnec S. et al. Genetics of syndromic and non-syndromic mitral valve prolapse. Heart.2018; 104(12): 978-984.

Юрак-қон томир хирургиясида, хусусан, МКнинг дегенератив патологияси бўлган беморларни хирургик даволашни такомиллаштиришда муайян ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга, мазкур беморларда даволанишдан кейинги эрта ва узоқ муддатли натижаларни яхшилаш учун уларда ЧҚни патологик ремоделланишининг верифицирланган жараёнларини ҳисобга олган ҳолда дегенератив этиологияли МЕда хирургик тактиканинг самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий-асосланган тадқиқотлар талаб этилади. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган”⁴. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, реконструктив-қайта тиклаш амалиётларини самарали усулларини ишлаб чиқиш ва диагностикасини такомиллаштириш йўли билан МЕНИ хирургик даволаш натижаларини яхшилаш ва унинг асоратлари олдини олиш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисида 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 26 январдаги ПҚ-3494-сонли “Шошилинч тиббий ёрдам тизимини тезкор такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. “Кардиохирургиянинг замонавий даражаси, МКни протезлашдан кейинги амамалиёт вақтида ва кейинги эрта даврда ўлим кўрсаткичини тикланишнинг бошланғич босқичида 25% дан ҳозирги вақтда 3,5-5,0% гача камайтиришга имкон берди”⁵. Шунга қарамайдан, кўплаб муаллифларнинг фикрига кўра, амалиётнинг узоқ муддатли натижалари кўпинча қониқарли эмас. Митрал клапан нуқсонларини хирургик коррекциясининг узоқ муддатли натижалари ёмонлашувининг асосий сабабларидан бири - юрак етишмовчилигининг димланиш босқичининг ривожланиши ёки кучайиши ҳисобланади. Zhou

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йил «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони. ЎЗР Қонун Ҳужжатлари тўплами.

⁵Tomšič A., Hiemstra Y.L., vanBrakel T.J. et al. Outcomes of valve repair for degenerative disease in patients with mitral annular calcification. Ann Thorac Surg. 2018; (18)3:1360-2.

Т.⁶нинг тадқиқотларида "беморларнинг яшаш давомийлиги, амалиётдан кейинги даврда юрак етишмовчилиги симптомларининг юзага чиқиши частотаси нуқсонни коррекциялаш пайтида чап қоринчанинг (ЧҚ) систолик дисфункциясига ва геометрик ремоделланиш турига боғлиқлиги" исботланган. Бугунги кунга келиб, юракнинг патологик ремоделланишига нейрогуморал тизим иштирокида кардиомиоцитлар, интерстициал бўшлиқ ва барча юрак камералари даражасида содир бўладиган қайта тикланадиган, динамик жараён сифатида қаралади. "ЧҚни патологик ремоделланишнинг тури кўп жиҳатдан, нуқсонни хирургик йўл билан коррекциясидан сўнг ушбу жараёнларнинг қайта тиклана олишини аниқлаб беради"⁷. Giraldo-Grueso M.⁸нинг таъкидлашича, "хирургик коррекциядан олдин ва кейин миокардни ремоделланишининг эхокардиографик параметрларини ва замонавий тадқиқот усулларини қўллаган ҳолда ЧҚ геометриясини ҳар томонлама баҳолаш турли этиологиядаги юрак митрал клапан нуқсонлари учун хирургик амалиёт ўтказишнинг энг мақбул муддатини танлашга, даволаш самарадорлигини ва ҳаёт давомийлиги прогнозини аниқлашга ёрдам беради".

ЧҚ бўшлиғининг тўғри геометрик шаклини таъминлаш МЕНИ коррекциясида юракни ютуқли хирургик ремоделланишининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишда олиб борилган жуда кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатадики, МКда бажарилган реконструктив амалиётдан кейинги яқин ва узоқ даврдаги яхши натижаларга эга. Рандомизацияланган тадқиқотларнинг мавжуд эмаслигига қарамай, кузатув маълумотлари шуни кўрсатадики, "симптомсиз кечувчи ва юрак фракцияси (ЮФ) сақланиб қолган бирламчи МЕ билан касалланган беморларда нуқсонни юрак етишмовчилиги ва ЧҚ дисфункцияси белгилари пайдо бўлишидан 6-10 йил олдин бажарилганда муваффақиятли хирургик коррекция эҳтимоли юқори бўлади"⁹. Аммо, ҳозирги кунда клапан ости структураларни сақлаб қолган ҳолда бажарилган МКни протезлаш амалиёти-ЧҚ архитектоникасини физиологик эллипсга яқинлаштиришга имкон берадиган ва жуда кенг қўлланиладиган хирургик усуллардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, ушбу усулни бажаришда баъзи бир чекловлар мавжуд, масалан: клапан ости структураларда кучли дегенератив ўзгаришлар бўлганда ёки МК фиброз ҳалқасини торайган ҳолатларида кузатилади. Кўплаб муаллифлар фикрига кўра, МК тўқималари кўп қолдирилиши сунъий клапаннинг ёпувчи элементи эркин ҳаракатланишини чеклаши ҳисобига протезнинг дисфункцияси пайдо бўлиши эҳтимоллигини юқорилигини

⁶Zhou T., Li J., Lai H., Zhu K., Sun Y., Ding W., Hong T., Wang C. Benefits of Early Surgery on Clinical Outcomes After Degenerative Mitral Valve Repair. *Ann Thorac Surg.* 2018;106(4):1063-1070.

⁷ Antoine C., Mantovani F., Benfari G. et al. Pathophysiology of Degenerative Mitral Regurgitation: New 3-Dimensional Imaging Insights. *Circ. Cardiovasc. Imaging.* 2018; 11(1): e005971.

⁸Giraldo-Grueso M., Sandoval-Reyes N., Camacho J., Pineda I., Umaña J.P. Mitral valve repair, how to make volume not matter; techniques, tendencies, and outcomes, a single center experience. *J Cardiothorac Surg.* 2018; 16;13(1):108.

⁹Ma W., Shi W., Zhang W., Wu W., Ye W., Kong Y. Management of Incomplete Initial Repair in the Treatment of Degenerative Mitral Insufficiency. *Int Heart J.* 2018;59(3):510-517.

кўрсатади¹⁰. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, ушбу соҳада бундан кейинги бажариладиган тадқиқотлар муҳим ва амалий аҳамиятга эга бўлади, деган хулосага келишимиз мумкин. Натижалар дегенератив МЕда ЧҚни хирургик йўл билан ремоделланишининг турли хил вариантларининг афзалликлари ҳамда камчиликларини очишга имкон беради.

Адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда ЧҚ ремоделланишини ҳисобга олган ҳолда МКда дегенератив ўзгаришлар бўлган беморларни хирургик даволашнинг тактик, техник ва диагностик жиҳатлари замонавий кардиохирургиянинг долзарб ва ҳали охиригача ечилмаган масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу муносабат билан, МКда нуқсони бор беморларни муваффақиятли хирургик даволаш кўрсаткичларини хирургик амалиётлардан кейинги натижаларини омилли таҳлил қилиш ва тактик, техник ҳамда диагностика жиҳатларини такомиллаштириш орқали янада яхшилаш энг устувор вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” Давлат муассасаси илмий-тадқиқот режаларининг “Юрак клапанлари нуқсонлари ва болаларда туғма нуқсонлар хирургиясида реконструктив-қайта тиклаш амалиётларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш” мавзусидаги АДСС-15.3.4 амалий дастури (2015-2017йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади митрал етишмовчилик ва унинг асоратлари диагностикасини такомиллаштириш ва реконструктив-қайта тиклаш амалиётларининг самарали усуллари ишлаб чиқиш йўли билан хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хирургик даволашни талаб қиладиган МКнинг барча орттирилган нуқсонлари структурасида дегенератив патологиянинг частотасини аниқлаш;

қиёсий жиҳатдан МК нинг дегенератив этиологияли етишмовчилигида бажарилган протезлаш ва реконструктив амалиётлардан сўнгги эрта давр натижаларини ўрганиш;

МКда бажарилган протезлаш ва реконструктив амалиётларнинг амалиётдан кейинги узоқ давр натижаларини самарадорлигини баҳолаш;

таққослаш гуруҳларида чап қоринчанинг (ЧҚ) геометрияси ва ремоделланишининг динамик ўзгаришларини ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

МКнинг дегенератив этиологиялик етишмовчилигида протезлаш ва реконструктив амалиётларидан кейинги асоратлардан ва қайта амалиётлардан холи бўлиш ва яшаш давомийлиги кўрсаткичларини ўрганиб чиқиш;

ЧҚни патологик ремоделланиш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда МЕНИ хирургик коррекция усулини танлаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида академик В.Воҳидов номидаги

¹⁰Nishida H., Fukui T., Kasegawa H., Kin H., Yamazaki M., Takanashi S. Causes of repair failure for degenerative mitral valve disease and reoperation outcomes. Eur J Cardiothorac Surg. 2018;53(6):1244-1250.

Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида 2015 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда МКнинг дегенератив патологиясида чап қоринча ремоделланишини ҳисобга олган ҳолда 149 нафар беморда бажарилган реконструктив-қайта тиклаш амалиётларини таҳлил қилиш натижаси хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб МКнинг дегенератив патологияси бор беморларда чап қоринчанинг патологик ремоделланишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган реконструктив-қайта тиклаш амалиётлари натижаларини таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотдан кўзланган мақсадга эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги тадқиқот усуллари қўлланилди: умумий клиник (анамнестик маълумотлар, объектив кўздан кечириш), лаборатор (қон ва сийдикнинг умумий таҳлили, қон биокимёвий таҳлили), инструментал (электрокардиография, ультратовуш, рентгенологик текширувлар, эхокардиография, коронаровентрикулография) ва статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миксоматоз дегенерация, ревматик келиб чиқиши ва бирламчи инфекцион эндокардитнинг нисбатлари қисмини тасдиқлаган ҳолда хирургик коррекцянни талаб қиладиган митрал клапан нуқсонларининг этиологик сабаблари аниқланган;

дегенератив этиологияли митрал етишмовчикнинг прогрессив тарзда кечишида чап қоринча патологик ремоделланиши шаклланишининг анатомик ва функционал, фазовий ва морфоструктуравий хусусиятлари очиб берилган;

миксаматоз дегенерация фонида вужудга келган митрал етишмовчиликда амалга оширилган реконструктив-қайта тиклаш амалиётларининг юракнинг ҳажмий, интеграл кўрсаткичларини, контрактил хусусиятини ва бўшлиқли таркибини тикланишига таъсири аниқлаштирилган;

миксоматоз дегенерацияси фонида митрал клапан етишмовчилиги ҳолатида реконструктив-қайта тиклаш амалиётларининг юрак ҳажмини, интеграл кўрсаткичларини, контрактил лаёқатини ва фазовий структурасини тиклашга таъсири аниқланган;

дегенератив жараён фонида ривожланган митрал етишмовчилигида бажарилган пластик амалиётлардан кейинги яшаш давомийлиги, муайян асоратлар ва қайта амалиётлардан ҳолилиқни индексланган динамик кўрсаткичлари ажратиб берилган;

дегенератив этиологияли митрал етишмовчилиги бўлган беморларда чап қоринчанинг дезадаптив ремоделланишида митрал клапанда клапан ости структурасини сақлаган ҳолда амалга оширилган протезлаш амалиёти чап қоринча ҳажмини тикланиши билан бирга унинг геометриясини ижобий морфометрик томонга ўзгаришига олиб келиши тасдиқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дегенератив этиологияли митрал етишмовчилигида оптимал хирургик даволаш усулини танлашда индексли охириги диастолик ҳажм, миокард массаси ва сфериклик кўрсаткичларига асосланилиши исботланган;

митрал етишмовчиликни хирургик коррекциясида чап қоринча ремоделланиш жараёнларини баҳолашнинг гемодинамик аҳамияти ва самарадорлиги аниқланган;

чап қоринча патологик ремоделланишининг верифицирланган жараёнларини ҳисобга олган ҳолда дегенератив этиологияли митрал етишмовчилигини хирургик даволаш тактикаси ишлаб чиқилган;

митрал клапаннинг дегенератив этиологияли оғир етишмовчилигида яшаш давомийлиги ва амалиётдан кейинги специфик асоратлар ва қайта амалиётлардан ҳоли бўлиш кўрсаткичини яхшиланишида реконструктив-қайта тиклаш амалиётларининг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги беморларнинг аҳволини баҳолашнинг объектив мезонлари, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, статистик таҳлил тўпламлари ва услубий ёндашувдан тўғри фойданилганлиги билан асосланган. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материал асосида олиб борилган. Диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилиш усуллари дегенератив этиологияли митрал етишмовчилигини диагностикаси ва хирургик даволашда замонавий ва илмий-амалий тушунчаларни қўллашга асосланган. Кўриб чиқилган масалаларни ҳал этиш замонавий тиббий статистика усуллари ёрдамида бажарилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган маълумотлар ўзининг назарий аҳамиятига эга эканлиги билан белгиланиб, дегенератив этиологияли МЕ бор беморларда ЧҚ патологик ремоделланишини шаклланишининг анатомик, функционал, фазовий ва морфоструктуравий хусусиятларини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшиши, шунингдек, ҳажмларни тиклаш, интеграл кўрсаткичлар, юракнинг контрактил лаёқати ва фазовий структурасига реконструктив-қайта тиклаш амалиётларининг таъсирини аниқлаш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган таҳлил дегенератив этиологияли митрал етишмовчиликни хирургик даволашда тактикани танлашда охирги диастолик ҳажм, миокард массаси ва сфериклик кўрсаткичларига асосланган ҳолда такомиллаштиришга ёрдам берган, шунингдек чап қоринча дезадаптив ремоделланишида митрал клапанни клапан ости структураларини сақлаб қолган ҳолда амалга оширилган протезлаш амалиётлари миокард геометриясини ижобий морфометрик ўзгаришига ва юрак ҳажмларини тикланишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дегенератив этиологияли митрал клапанда патологияси бор беморларни хирургик даволашнинг тактик ва техник жиҳатларини оптималлаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига кўра:

"Митрал етишмовчилиги бўлган беморларни даволаш тактикасини танлаш алгоритми" услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 июндаги 8н-з/64-сонли маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар митрал клапаннинг анатомик ва морфологик ҳолатининг

энг муҳим мезонларини, шунингдек чап қоринча функционал ҳолатини ва геометриясини ҳисобга олган ҳолда нуқсонни коррекциялаш вариантини танлашда тактик жиҳатларни оптималлаштириш имконини берган;

"Митрал клапан етишмовчилигини диагностикаси ва хирургик даволашда тактикани танлаш дастури" ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 июндаги 8н-з/64-сонли маълумотномаси). Таклиф этилаётган дастурни қўллаш натижасида чап қоринча патологик ремоделланишининг тасдиқланган жараёнларини ҳисобга олган ҳолда дегенератив этиологияли митрал етишмовчилиги бўлган беморларда бажарилган амалиётлардан кейинги эрта ва узоқ даврдаги натижаларини яхшилашга эришилган;

митрал клапаннинг дегенератив патологияси бўлган беморларни хирургик даволаш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, шу жумладан, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Наманган, Андижон ва Урганч вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларининг кардиохирургик бўлимлари амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 29 июндаги 8н-з/64-сонли маълумотномаси) татбиқ этилган. Митрал клапаннинг дегенератив патологияси бўлган беморларни хирургик даволашнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш натижасида олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши амалиётдан кейинги эрта даврда учрайдиган асоратларнинг частотасини 43,1% дан 26,2% гача камайтириш, узоқ муддатли даврда ижобий натижалар кўрсаткичини 45,9% дан 71,6 % гача ошириш, шу билан бирга, амалиётдан кейинги эрта даврда учрайдиган ўлим кўрсаткичи частотасини 3,1% дан 0 гача ва узоқ муддатли даврда эса 27,9% дан 8,6% гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан 7 та мақола, улардан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, илмий янгиликлар ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, муҳокамадан ўтказиш ва илмий иш натижаларининг нашр қилинганлиги, ҳажми ҳамда тузилиши

структураси тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Митрал етишмовчиликни хирургик даволаш муаммосининг ҳозирги ҳолати (адабиётлар шарҳи)"**, деб номланган биринчи бобида юрак чап қоринчасида ва митрал клапанда дегенератив патологияси бўлган беморларни хирургик даволаш муаммолари бўйича илмий маълумотларни синчковлик билан таҳлил қилиш, танқидий баҳолаш, уларни умумлаштириш ва тизимлаштириш ишлари олиб борилган, келгусида ечимларни талаб қиладиган долзарб масалалар ўрганиб чиқилган. Бобда дегенератив митрал етишмовчилиги ҳақидаги замонавий тушунчалар, айниқса дегенератив МЕда юракни ремоделланиш жараёни хусусиятлари ва уни баҳолаш усуллари, ЧҚни хирургик коррекцияси кетма-кет равишда ўрганиб чиқилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида ушбу муаммо бўйича ҳал қилинмаган масалалар белгилаб олинган.

Диссертациянинг **"Клиник материалнинг умумий хусусиятлари ва қўлланилган тадқиқот усуллари"**, деб номланган иккинчи бобида тадқиқот босқичлари, клиник материаллар ва қўлланилган тадқиқот усуллари тавсифланган. Тадқиқотнинг биринчи йўналиши "Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази" Давлат муассасасида 2015 йилдан 2017 йилгача бўлган муддатда амалиёт бажарилган барча беморлар орасида МКнинг дегенератив патологиясининг учраш частотасини ўрганиш эди.

Кардиохирургик амалиётлар структурасида МКнинг орттирилган нуқсонлари бўйича қилинган амалиётлар улуши 70,8% ни ташкил этади (2015-2017 йилларда 1261 тадан 893 нафар), бунда этиологик омилларга боғлиқ ҳолда 14,0% и (митрал клапанида нуқсони бўлган 893 нафар бемордан 125 нафари)- миксаматоз дегенерациясига, 78,3%и (699)- ревматик нуқсонларга ва 7,7% (69) ҳолатда бирламчи инфекцион эндокардитга тўғри келади.

149 нафар(100%) беморда МКнинг дегенератив патологияси бўйича ўтказилган хирургик амалиёт натижалари ушбу тадқиқот учун якуний асос бўлди. Бажарилган амалиёт тури ва хирургик коррекциянинг ҳажмига қараб, барча беморлар уч гуруҳга бўлинди: кейинчалик таққослаш гуруҳи сифатида тавсифланган I гуруҳга митрал клапанни протезлаш амалиёти бажарилган 65 (43,65%) нафар бемор киритилган; II гуруҳ (асосий гуруҳ) МКда реконструктив-қайта тиклаш амалиёти бажарилган 84 (56,4%) нафар бемордан иборат. Ўз навбатида, асосий гуруҳ ҳам яна иккита кичик гуруҳга бўлинган. I-кичик гуруҳ PTFE томир протезидан ясалган тасмадан фойдаланган ҳолда МКда реконструктив-қайта тиклаш амалиёти бажарилган 30 (20,1%) нафар, иккинчи кичик гуруҳ эса таянч ҳалқасидан фойдаланган ҳолда МКда реконструктив-қайта тиклаш амалиёти бажарилган 54 (36,2%) нафар беморни ўз ичига олди.

Митрал клапанда бажариладиган пластик коррекция усулини танлаш ундаги ўзгаришларнинг характери билан белгиланади. Шу муносабат билан бирга атриовенткуляр клапанда бажариладиган манипуляциялар барча ҳолатларда фиброз ҳалқанинг пластикаси билан, яъни 54 нафар беморда таянч

ҳалқаси ёрдамида ёки 30 нафар беморда эса томир протезидан ясалган таянч ярим ҳалқа тасмасини ишлатиш билан тўлдирилди. МКнинг реконструкцияси клапанда амалга ошириладиган турли хил амалиётни бажариш билан амалга оширилди. 53 (63,1%) беморда МК орқа тавақасининг квадриангуляр резекцияси (бунда фиброз ҳалқа клапанни резекция қилинган қисмида П шаклидаги чоклар билан мустаҳкамланди, резекцияланган тавақанинг эркин чеккалари эса бир-бирига тикилди. Сўнгги босқичда таянч ҳалқа имплантацияси бажарилган), 15 (17,9%) беморда янги хорда шакллантирилди.

Бевосита натижаларни баҳолашда беморларнинг клиник ва функционал ҳолатидан ташқари, асосий ролни ЭхоКГ ўйнади, бунда у ёрдамида клапанларнинг ҳолати, протез функцияси, ЧҚнинг чизиқли ва ҳажмий ўлчамлари, шунингдек, бир қатор индексланган кўрсаткичлар баҳоланди: нисбий девор қалинлиги индекси (НДҚИ), сфериклик индекси (СИ), интеграл систолик ремоделланиш индекси (ИСРИ).

Диссертациянинг **"Дегенератив этиологияли митрал клапан етишмовчилигини протезлаш ва реконструктив коррекциялаш натижалари"**, деб номланган учинчи бобида хирургик амалиётлар натижаларининг таҳлили келтирилган. Бирламчи тадқиқотда чап қоринчанинг дастлабки патологик ремоделланишини вариантини ҳисобга олган ҳолда амалиётдан кейинги асоратлар учраш частотаси ўрганилди. Асосий гуруҳ беморларида амалиётдан кейинги эрта даврда учровчи асоратлар умумий частотаси сони 26,2% ни ташкил этди (22 нафар бемор).

Асоратларнинг учраш частотаси ҳар бир гуруҳ учун ва шунга мос равишда кичик гуруҳлар учун беморларнинг дастлабки сонига қараб алоҳида ҳисобланганлигига асосий эътибор қаратилди. Масалан, асосий гуруҳда ЧҚнинг адаптив ремоделланиши (ЧҚАР) бўлган беморларда асоратлар учраш даражаси 12,2% ни (асосий гуруҳдаги ЧҚАР бўлган 49 нафар бемордан) ташкил қилди. Шунга кўра, чап қоринча (ЧҚДР) дастлабки дизадаптив ремоделланиши билан асосий гуруҳдаги амалиётдан кейинги энг яқин асоратларнинг частотаси 45,7% ни ташкил этди (16 нафар бемор). Ушбу кўрсаткични ЧҚАР бўлган 1- ва 2-кичик гуруҳларда таққосланилганда, улар ўртасида жиддий фарқ кузатилмади (тегишли равишда 11,1% ва 13,6% ни ташкил қилган), аммо ЧҚДР бўлган беморларда ушбу кичик гуруҳларда бу кўрсаткич етарли даражада фарқ қилди (тегишли равишда – 66,7% ва 43,8%). Таққослаш гуруҳидаги амалиётдан кейинги эрта даврда учрайдиган асоратларнинг умумий частотаси кўрсаткичи асосий гуруҳдаги ушбу кўрсаткичдан сезиларли даражада ошди ва 43,1% ни ташкил этди (28 нафар бемор). Шунингдек, ушбу гуруҳдаги ЧҚАР бўлган беморлар орасида бу кўрсаткич 18,4% ни, ЧҚДР бўлган беморларда эса 77,8% ни ташкил этди.

Амалиётдан кейинги дастлабки даврнинг энг кўп учрайдиган асоратлари ўткир юрак қон томир етишмовчилиги ва юрак ритмининг бузилиши ҳисобланади, ўз навбатида, бу асоратлар кўрсаткичлари таққослаш гуруҳи беморларига (38,5% ва 33,8% мос равишда) нисбатан асосий гуруҳ беморларида (26,2% ва 23,8%) паст бўлган. Ўлим ҳолати фақат таққослаш гуруҳида қайд этилди ва 3,1% ни ташкил этди.

ЧҚ нинг амалиётдан кейинги ремоделланишининг ижобий динамик ўзгариши таққослаш гуруҳида дастлабки даврда ЧҚДР бўлган 9 та беморида қайд этилди (амалиётгача ва амалиётдан кейин Т мезон: 0,97; $P > 0,05$).

Амалиётдан кейинги эрта даврда асосий гуруҳда ЧҚАР 74 (88,1%) нафар беморда кузатилди, ушбу гуруҳдаги бу кўрсаткич дастлабки ҳолатда 49 (58,3%) беморда кузатилган. Ушбу гуруҳда амалиётдан кейинги даврда ЧҚДР 10 (11,9%) нафар беморда аниқланди, бу ҳолат дастлабки даврда 35 (41,7%) нафар беморда кузатилган. Шундай қилиб, ЧҚ нинг амалиётдан кейинги ремоделланишидаги ижобий динамика жараёни асосий гуруҳдаги дастлабки даврда ЧҚДР бўлган 25(29,8%) беморда қайд этилди. (Т-мезони амалиётгача ва амалиётдан кейинги: 2,26; $P < 0,05$). Асосий гуруҳнинг кичик гуруҳлари ўртасида репрезентативлик мавжуд бўлмаганлиги сабабли (дастлабки даврда 1-кичик гуруҳидаги ЧҚАР бўлган беморларнинг устунлиги ҳисобига) патологик ремоделланишнинг якуний натижаларида сезиларли фарқлар мавжуд эмаслиги қайд этилди.

Узоқ муддатдаги натижалар таққослаш гуруҳидаги 61 (93,8%) нафар ва асосий гуруҳдаги 81 (96,4%) нафар беморларда 6 ойдан 5 йил муддат давомида кузатилди. Узоқ муддатли давр кузатувларида функционал ҳолатни баҳолашни қулайлиги учун беморлар учта яхши, қониқарли ва қониқарсиз натижаларга эга бўлган гуруҳга бўлинган (1-жадвал).

1-жадвал

Амалиётдан кейинги узоқ давр натижалари бўйича беморларнинг тақсимланиши


Натижалар	Таққослаш гуруҳи (n=61)		Асосий гуруҳ (n=81)					
			I кичик гуруҳ (n=28)		II кичик гуруҳ (n=53)		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Яхши	28	45,9%	20	71,4%	38	71,7%	58	71,6%
Қониқарли	15	24,6%	4	14,3%	9	17,0%	13	16,0%
Қониқарсиз	18	29,5%	4	14,3%	6	11,3%	10	12,3%
Жами	61	100,0%	28	100,0%	53	100,0%	81	100,0%
χ^2 мезони	10,281; Df=3; $P=0,021$							

Энг юқори ўлим кўрсаткичи таққослаш гуруҳида қайд этилди - 27,9% (17 нафар бемор), асосий гуруҳда эса бу кўрсаткич 8,6% (1-кичик гуруҳда 4 (14,3%) нафар ва 2-кичик гуруҳда 3 (5,7%) нафар бемор) ни ташкил этди.

Узоқ муддатли даврда беморларнинг асосий гуруҳида яхши ва қониқарли натижалар кўрсаткичлари сезиларли даражада устунликка эга бўлди ва ўлим даражаси кўрсаткичлари бўйича улар таққослаш гуруҳидаги кўрсаткичлардан паст эди (мезон χ^2 : 9.414; Df=3; $P=0,031$). Шундай қилиб, амалиётдан кейинги биринчи йилда таққослаш гуруҳининг яшаш давомийлиги кўрсаткичи 94,7% ни ташкил қилган бўлса, асосий гуруҳда эса ушбу кўрсаткич 98,4% ни ташкил этди.

Амалиётдан кейинги даврнинг учинчи йилига келиб таққослаш гуруҳида яшаш давомийлиги кўрсаткичи 75,1% ни, асосий гуруҳда эса 90,3% ни ташкил этди. Амалиётдан кейинги тўртинчи йилда таққослаш гуруҳида беморларнинг

яшаш давомийлиги кўрсаткичи 65,7% ва асосий гуруҳда эса бу кўрсаткич 87,6% ҳолатда қайд этилган. Таққослаш гуруҳида амалиётдан кейинги 5-йилга келиб, яшаш давомийлиги кўрсаткичи 52,5% ни ташкил этди (1-расм).



1-расм. Таққослаш гуруҳларида беморларнинг яшаш давомийлиги кўрсаткичи

Асоратлардан ҳоли бўлиш кўрсаткичи таққослаш гуруҳида амалиётдан кейинги даврнинг биринчи йилида 85,2% ни, асосий гуруҳда эса 92,1% ни ташкил этди. Бу кўрсаткичнинг сезиларли даражада пасайиши кузатувнинг учинчи йилига тўғри келиб, таққослаш гуруҳида 52,7%, асосий гуруҳда эса 73,5% беморларда асоратлар кузатилмаган. Кузатувнинг 5-йилида асоратлардан ҳоли бўлиш кўрсаткичи таққослаш гуруҳидаги беморларнинг атиги 18,7% да кузатилган.

Шундай қилиб, амалиётдан кейинги узоқ муддатли даврни баҳолашнинг асосий мезонларига кўра, яъни яшаш давомийлиги ва асоратлардан ҳоли бўлиш кўрсаткичи бўйича асосий гуруҳда етарлича ижобий натижаларга эришилган. Хусусан, ушбу гуруҳда амалиётдан кейинги кузатув даврининг 3-йилида яшаш давомийлиги кўрсаткичи таққослаш гуруҳидаги ушбу кўрсаткичдан 15,2% га, асоратлардан ҳоли бўлиш кўрсаткичи 20,8% га ошган.

Диссертациянинг **"Дегенератив этиологияли митрал клапан етишмовчилигида протезлаш ва пластик коррекциясида чап қоринча геометрияси ва ремоделланиш жараёнларининг хусусиятлари"**, деб номланган тўртинчи боби ЧҚ архитектуроникасини максимал даражада тиклашга асосланган митрал нуқсонни коррекциялаш бўйича хирургик тактика унинг насос функциясини самарадорлигини ошириб, амалиёт натижасини яхшилайти, деган гипотезага асосланган. Шу муносабат билан кейинчалик клиник амалиётга жорий этиш мақсадида энг самарали ва энг хавфсизини танлаб олиш учун бир нечта хирургик амалиётлардан фойдаланишнинг қиёсий таҳлили ўтказилди.

Бевосита натижаларни баҳолашда беморларнинг клиник ҳолатидан

ташқари, ЭхоКГ текширув асосий рол ўйнайди, бинобарин, унинг ёрдамида клапанларнинг ҳолати, протезларнинг функцияси, ЧҚнинг чизикли ва ҳажм кўрсаткичлари, шунингдек бир қатор индексланган кўрсаткичлар ўрганиб чиқилди.

Бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, ушбу патологияни хирургик даволаш натижаларини баҳолашда ишончли ЭхоКГ кўрсаткичлари бу – индексланган кўрсаткичлар бўлиб чиқди. Шундай қилиб, масалан, таққослаш гуруҳидаги амалиётдан олдин ва кейинги ЭхоКГ кўрсаткичларининг динамикасини баҳолашда қуйидаги ўзгаришлар энг ишончли аҳамиятга эга бўлди: зарб ҳажми индекси (И-ЗХ) $92,4 \pm 4,7$ дан $79,6 \pm 2,7$ гача ($<0,05$); СИ/д $0,95 \pm 0,01$ дан $0,79 \pm 0,01$ гача ($<0,001$); ДНҚИ $0,62 \pm 0,01$ дан $0,57 \pm 0,01$ гача ($<0,01$); миокард массаси индекси (ММИ) $243,4 \pm 10,4$ дан $206,8 \pm 9,1$ гача ($<0,05$); ИСРИ $58,1 \pm 3,2$ дан $67,3 \pm 2,1$ гача ўзгарган ($<0,05$).

Асосий гуруҳнинг иккита кичик гуруҳида амалиётдан олдин ва кейин ЭхоКГ кўрсаткичларининг динамикасини баҳолашда қуйидагилар қайд этилди: охириги диастолик ҳажм кўрсаткичи (И-ОДХ) фақат 1-кичик гуруҳда $153,4 \pm 11,5$ дан $124,4 \pm 7,8$ гача ($<0,05$); охириги диастолик ўлчов кўрсаткичи (И-ОДЎ) 1-кичик гуруҳда $42,9 \pm 1,7$ дан $37,1 \pm 1,2$ гача ($<0,01$) ва 2-кичик гуруҳда $47,4 \pm 2,2$ дан $41,2 \pm 1$ гача ўзгарди ($<0,05$). Ушбу кўрсаткичларга қўшимча равишда, охириги систолик ўлчов кўрсаткичи (И-ОСЎ), СИ/д, ДНҚИ, миокард массаси (ММ), ММИ, ИСРИ сезиларли даражада ўзгарган.


Дастлабки (амалиётдан олдинги) кўрсаткичларга кўра, амалда барча гуруҳлар ўзаро репрезентатив эди. Амалиётдан кейин бир йил ўтгач, таққослаш гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда барча кўрсаткичларнинг сезиларли ижобий динамикаси қайд этилди. Асосий гуруҳнинг иккала кичик гуруҳларида бу кўрсаткичлар деярли бир хил эди.

Асосий гуруҳда ЭхоКГ кўрсаткичларининг назорат кўрсаткичларига нисбатан меъёрлашуви СИ/д, И-ОСЎ, И-ЗХ, ЮВ, ИСРИ бўйича қайд этилди. Асосий гуруҳда И-ОДХ, ММ кўрсаткичлари назорат қийматларига нисбатан пасайиш тенденциясига эга бўлмади, аммо ушбу кўрсаткичлар таққослаш гуруҳида яхшироқ эди. Таққослаш гуруҳи учун, амалиётдан кейинги биринчи йил давомида ушбу кўрсаткичларнинг меъерий кўрсаткичларга нисбатан ижобий динамикаси кузатилмади.

МКнинг дегенератив патологиясини хирургик даволаш натижаларини баҳолашда ЭхоКГнинг энг ишончли кўрсаткичлари юрак чап бўлимлари динамикасини кўрсатувчи индексланган кўрсаткичлари ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, асосий гуруҳда, амалиётдан 6 ой ўтгач, юракнинг барча ЭхоКГ индексланган кўрсаткичлари амалиётдан олдинги даражадаги кўрсаткичлардан юқори даражада фарқ қилди ($P < 0,001$) ва ўз навбатида бу кўрсаткичлар амалиётдан кейинги 1 йил, 3 йил ва 5 йил давомида ижобий динамикани сақлаган. Таққослаш гуруҳида И-ОДХ ва И-ОДЎ каби кўрсаткичлар амалиётдан олдинги даражадан сезиларли даражада фарқ қилмади ($P > 0,05$) ва амалиётдан 5 йил ўтгачгина нормал ҳолатга қайтди (2-расм).

ИСРИ кўрсаткичининг амалиётдан кейинги назоратга нисбатан динамикасига келсак, бу кўрсаткичнинг амалиётдан кейинги даврнинг

5- йилида асосий гуруҳнинг 1-кичик гуруҳида меъёрлашуви кузатилган.




2-расм.ЭХОКГ кўрсаткичларининг назоратга нисбатан амалиётдан олдинги ва амалиётдан кейинги 1 ва 5 йиллик даврдаги нисбати динамикаси

Энг қизиқарли маълумотлар 3-расмда тақдим этилган бўлиб, тадқиқот гуруҳларида интеграл систолик ремоделланиш индекси кўрсаткичининг амалиётдан кейинги регрессининг назоратга нисбатан нисбий аҳамиятини кўрсатади, бу эса асосий гуруҳнинг таққослаш гуруҳидан сезиларли устунлигини намоён қилади. Асосий гуруҳнинг иккала кичик гуруҳларида ушбу кўрсаткичлар иккинчи кичик гуруҳда дастлабки ҳолатда беморларнинг асосий қисми ЧҚДРга тааллуқли бўлганлиги факти асосида ўхшаш ҳисобланади (3-расм).

PTFE тасмасидан фойдаланган ҳолда бажариладиган реконструктив амалиёт вариантыни танлашда ЭхоКГнинг энг мақбул кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: И-ОДХ < 180 мл/м²; СИ/д - < 1.00; ММИ- < 230 г/м². Клапан ости структурасини кучли ёпишиб кетиши ёки МК кальцинози (2-3 даражаси), инфекциян эндокардитда, шунингдек ЭхоКГнинг қуйидаги кўрсаткичларида И-ОДХ > 280 мл/м²; СИ/д > 1.40; ММИ > 350 г / м², танлов варианты бўлиб митрал клапанни протезлаш ҳисобланади.

PTFE тасмасидан фойдаланган ҳолда бажариладиган реконструктив амалиёт варианты танлашда ЭхоКГнинг энг мақбул кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: И-ОДХ < 180 мл/м²; СИ/д - < 1.00; ММИ - < 230 г/м². Клапан ости структурасини кучли ёпишиб кетиши ёки МК кальцинози (2-3 даражаси), инфекцион эндокардитда, шунингдек ЭхоКГнинг қуйидаги кўрсаткичларида И-ОДХ > 280 мл/м²; СИ/д > 1.40; ММИ > 350 г/м², танлов варианты бўлиб митрал клапанни протезлаш ҳисобланади.




Изоҳ: ишончлилиқ назорат гуруҳига нисбатан кўрсатилган
3-расм. Тадқиқот гуруҳларида амалиётдан кейин ИСРИ кўрсаткичининг нормага нисбатан динамикаси.

Чап қоринча анатомик ва функционал ҳолатини нормаллашуви динамикасини баҳолашнинг энг муҳим мезони ЭхоКГ кўрсаткичларининг назоратга нисбатан ҳаддан ташқари кўтарилишидир. Шундай қилиб, амалиётдан кейинги эрта даврда асосий гуруҳнинг 1- ва 2-кичик гуруҳида И-ОДХ (мл/м²) нинг назоратга нисбатан ошиши мос равишда 57,1% ва 72,7% ни ташкил этди, таққослаш гуруҳида эса бу кўрсаткич 115,8% га тўғри келди. Амалиётдан кейин 5 йил ўтгач, асосий гуруҳнинг 1- ва 2-кичик гуруҳларида И-ОДХ нисбий кўрсаткичининг назоратга нисбатан ошиб кетиши мувофиқ равишда 45,2% ва 49,4% ни, таққослаш гуруҳида эса - 78,8% ни ташкил этди.

Олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, дегенератив этиологияли митрал клапан етишмовчилигини хирургик даволаш усулини танлаш алгоритми ишлаб чиқилди. Клапан ости структурасини кучли ёпишиб кетиши ёки МК кальцинози (2-3-даражаси), шунингдек инфекцион эндокардитда митрал клапанни протезлаш танлов варианты бўлиб ҳисобланади. Қуйидаги ЭхоКГ кўрсаткичларни митрал клапанни протезлаш амалиётига нисбий кўрсатма сифатида қабул қилиш мумкин: ОДХ-И > 280 мл/м²; СИ/д > 1.40; ММИ > 350 г/м² (4-расм).

МКнинг дегенератив шикастланишларида энг кўп учрайдиган ҳолатлардан унинг 1-даражали кальцинози ва клапан тавақаларининг енгил даражадаги фибрози ҳисобига МКнинг ўзгармаган ёки бироз ўзгарган клапан

тавақалари билан тавсифланади. Шу муносабат билан, таянч халқаси ёрдамида МКни реконструкциясини танлашда ЭхоКГни энг мақбул кўрсаткичлари қуйидагилар: ОДХ-И-180-280 мл / м², СИ/ д - 1.00-1.40; ММИ -230-350 г/м². РТФЕ томир протезидан ясалган тасма ёрдамида реконструктив вариантни танлашда ЭхоКГнинг энг мақбул кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: ОДХ-И<180 мл/м²; СИ/д-<1.00; ММИ-<230г / м².



4-расм. Дегенератив этиологияли митрал клапан етишмовчилигини хирургик даволаш тактикасини танлаш алгоритми

Дегенератив этиологияли митрал клапан етишмовчилигини хирургик даволашида жорий этилган алгоритм митрал клапаннинг анатомик ва морфологик ҳолатининг энг муҳим мезонлари, шунингдек чап қоринча (ЧҚ) функционал ҳолати ва геометриясини ҳисобга олган ҳолда нуқсонни коррекциялаш вариантини танлашда тактик жиҳатларни оптималлаштиришга имкон беради.

ХУЛОСА

1. Кардиохирургик амалиётлар структурасида МК нинг орттирилган нуқсонлари билан амалга ошириладиган амалиётлари 70,8%ни ташкил этади, бунда этиологик омилларга кўра 14,0% - миксаматоз дегенерациясига, 78,3% эса ревматик нуқсонларга ва 7,7% - бирламчи инфекцион эндокардитга тўғри келади.

2. Амалиётдан кейинги эрта даврдаги асоратларнинг умумий частотаси асосий гуруҳда 26,2% ни ва таққослаш гуруҳида 43,1% ни ташкил этди. Бунда, асосий гуруҳда ЧҚДР (чап қоринча дезадаптив ремоделланиши) билан бу кўрсаткич 45,7% ни, таққослаш гуруҳида эса 77,8% ни ташкил этди. Амалиётдан кейинги эрта ўлим ҳолатлари фақат таққослаш гуруҳида қайд этилди ва 3,1% ни ташкил этди.

3. Амалиётдан кейинги узоқ даврда (5 йилгача) таққослаш гуруҳидаги беморларнинг 45,9% ва асосий гуруҳнинг 71,6% ида ижобий натижалар қайд этилди. Узоқ муддатли даврда энг кўп ўлим ҳолатлари таққослаш гуруҳида қайд этилди (27,9%), асосий гуруҳда эса бу кўрсаткич 8,6% ни ташкил этди (1-кичик гуруҳда 14,3% ҳамда 2-кичик гуруҳда 5,7%).

4. Амалиётдан кейинги эрта даврда асосий гуруҳдаги ЧҚ геометриясининг ижобий мослашиш даражаси 29,8% га ошди ва 88,1% ни ташкил этди (Т-мезон амалиётдан олдин ва кейин: 2,26; $P < 0,05$), шу билан бирга МК протезлаш гуруҳида – мослашиш даражаси 13,8% га ошиб, 72,3% ни (Т-мезони амалиётдан олдинги ва кейинги: 0,97; $P > 0,05$) ташкил қилди.

5. Амалиётдан кейинги узоқ муддатли даврда ЧҚАР (чап қоринча адаптив ремоделланиши) кўрсаткичи динамикасини баҳолашда қуйидаги натижани қайд этиш жоизки, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич 68,9% ни (амалиётдан олдин - 58,5%) ва асосий гуруҳда - 85,2% ни (амалиётдан олдин - 58,3%) ташкил этди. Энг яхши натижалар асосий гуруҳдаги таянч ҳалқасида МК реконструкцияси бажарилган беморларда (40,7% дан 83,0% гача) кузатилди.

6. Амалиётдан кейинги биринчи йилда таққослаш гуруҳида яшаш давомийлиги кўрсаткичи 94,7% ни ташкил қилди, асосий гуруҳда эса кўрсаткич 98,4% ни ташкил этди. Кузатувнинг 3-йилида бу кўрсаткич мос равишда 90,3% га (асосий гуруҳ) нисбатан 75,1% ни (таққослаш гуруҳи) ташкил этди; тўртинчи йилга келиб бу кўрсаткич 65,7% ва 87,6% ни ва таққослаш гуруҳида амалиётдан кейинги 5-йил давомида кузатилганларнинг яшаш давомийлиги кўрсаткичи 52,5% ни ташкил этди.

7. Таққослаш гуруҳи учун асоратлардан ҳоли бўлиш кўрсаткичи амалиётдан кейинги биринчи йилда 85,2% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич асосий гуруҳда 92,1% ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткични амалиётдан кейинги узоқ даврнинг учинчи йилида сезиларли пасайиши қайд этилди ва таққослаш гуруҳида - 52,7% ни ва асосий гуруҳда - 73,5% ни ташкил этди. Амалиётдан кейинги кузатувнинг 5-йилида таққослаш гуруҳидаги беморларнинг атиги 18,7% ида асоратлардан ҳоли бўлиш кўрсаткичи кузатилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01
ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ
ИМЕНИ АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

ПУЛАТОВ ЛАЗИЗЖОН АБДУХАМИДОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ И ХИРУРГИЧЕСКОЙ
КОРРЕКЦИИ МИТРАЛЬНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТИ С УЧЕТОМ
ПРОЦЕССОВ РЕМОДЕЛИРОВАНИЯ ЛЕВОГО ЖЕЛУДОЧКА**

14.00.34 - Сердечно-сосудистая хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/Tib526.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Алиев Шерзод Махмудович
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты:

Асамов Равшан Эркинович
доктор медицинских наук, профессор

Хикматов Азимжон Асатиллаевич
доктор медицинских наук

Ведущая организация:

Андижанский Государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова (Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №107). Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2020 года).

Ф.Г. Назиров

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук

А.В. Девятков

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Данные Всемирной организации здравоохранения свидетельствуют, что «заболеваемость приобретенными клапанными пороками сердца в общей популяции составляет 2,5%-7% в возрасте 18-44 года и 13,3% в возрасте старше 75 лет»¹. В исследовании Euro Heart Survey «недостаточность митрального клапана (МК) является второй по частоте после аортального стеноза (31,5% против 43,1%) наиболее распространенной клапанной аномалией, требующей хирургического вмешательства»². С течением времени, структура причин митральной недостаточности (МН) изменилась, и на сегодняшний день, дегенеративные поражения МК являются наиболее распространенной и клинически значимой формой клапанного дефекта у взрослых в западноевропейских странах. За последнее десятилетие в хирургическом лечении МН детально разработаны и широко внедрены в повседневную практику различные методы его протезирования, как наиболее распространенного вида хирургической коррекции. «Наиболее частой причиной неудовлетворительных результатов после хирургической коррекции МН является сердечная недостаточность, обусловленная в первую очередь патологическим ремоделированием и снижением сократительной функции левого желудочка (ЛЖ), что во многом определяет ближайший послеоперационный и отдаленные результаты»³. В связи с этим улучшение результатов хирургического лечения больных с МН остается в ряду приоритетных.

В мировой практике в настоящее время наиболее актуальными остаются исследования по изучению особенностей типа геометрического ремоделирования ЛЖ в зависимости от этиологии патологического процесса, длительности и тяжести ишемии миокарда, приводящих к дилатации фиброзного кольца МК с дисфункцией папиллярных мышц и структурными изменениями хордального аппарата. Особо актуальными являются вопросы изучения патогенетических процессов ремоделирования сердца при МН на всех уровнях структурной организации сердца, результатом которого является изменение его размеров, формы и функциональных возможностей. Продолжаются исследования по оценке гемодинамических последствий МН, находящихся в прямой зависимости от тяжести и длительности существования порока, степени дилатации ЛЖ и его эксцентрической гипертрофии из-за хронической перегрузки объемом с регургитацией во время каждой систолы, что способствует уменьшению фракции выброса, нарушениям центральной гемодинамики и клиническим проявлениям сердечной недостаточности.

¹ Costa FD, AD., Colatusso DF, F., Martin GL, DS. et al. Long-Term Results of Mitral Valve Repair. Braz J Cardiovasc Surg. 2018 Jan-Feb;33(1):23-31.

² Colli A., Manzan E., Aidiatis A. et al. An early European experience with transapical off-pump mitral valve repair with NeoChord implantation. Eur J Cardiothorac Surg. 2018;54(3):460-466.

³ Le Tourneau T., Mérot J., Rimbart A., Le Scouarnec S. et al. Genetics of syndromic and non-syndromic mitral valve prolapse. Heart. 2018; 104(12): 978-984.

